




# Фарғона ҳақиқати

Бир киши сенга узр баён этса, узрини қабул қилишни кечиктирма!  
Абу Али  
ибн СИНО.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati

2021 йил 6 апрель, сешанба

№ 29 (24522)

Вилоят ҳоқими қабулида



## ТАДБИРКОРГА САМАРАЛИ ТИЗИМНИ ЯРАТИБ БЕРИШ ЗАРУР

Тадбиркорда ғоя ва ташаббус, аниқ режа-мақсад бор. Ташаббусни рўёбга чиқариш учун унга эътибор, рағбат – ер майдони, кредит ва шу каби бошқа кулай шароитлар керак. Агар унга “таянч нуқта” топиб берилса, нафақат оиласи фаровонлигини таъминлайди, балки ўз бизнесини ривожлантириш орқали жамиятнинг энг оғрикли масаласи – янги иш ўринлари яратишга қўмаклашади.

Шу йилнинг 5 апрель кунини вилоят “Тадбиркорлар уйи”да Хайрулло Бозоровга 36 нафар тадбиркор турли масала ва муаммолар билан муносабат этиди. Шунингдек, муносабатчиларнинг 7 нафари вилоят раҳбари билан такоран юзма-юз бўлган тадбиркорлардир.

Бошқа фермер томонидан узум боғи ташкил этилган. Тадбиркор Шоҳид Эминова Марғилон шаҳрида ҳашар йўли билан қурилган эски маҳалла биноси ўрнида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида боғча қуришни режалаштирмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган Шарофиддин Якубов Буйвайда туманида собиқ қишлоқ хўжалиги коллежи биносини хусусийлаштириб, янги ишлаб чиқариш тармоқларини ишга туширишда вилоят ҳоқимидан амалий ёрдам сўради.

Бошлиғи Тохир Аминжонов. – Вилоят ҳоқими ушбу бизнес-режамизни маъқуллаб, ер ажратиш масаласида мутасадди раҳбарларга топшириқ берди. Аввалиги учрашувда кўтарилган масаласи ижобий ҳал этилмай, Учқўприк, Данғара, Олтиариқ ва Буйвайда туманидан бир гуруҳ ҳамюртларимиз яна вилоят “Тадбиркорлар уйи”га келишиди.

Данғара туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Шукржон Парпиев собиқ туман ҳоқими топшириғига асосан турар жойи сносга тушган оилага ер ажратиш шарти билан уй қуриб берган. Лекин шу кунга қадар унга ваъда қилинган ер майдони ажратиб берилмапти. Хайрулло Бозоров ҳар бир муносабатчилни эшитиб, тадбиркорлик лойиҳаларини синчиклаб ўрганди. Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида тегишли идоралар раҳбарлари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш кераклигини таъкидлади.

Ботир МАДИЕВ.  
Суратни Шерзод ҚОРАБОВЕВ олган.

## Баҳорнинг бир куни йилга татийди

# МАВСУМ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ



## “Fergana Oseana Textile” пахта-тўқимачилик кластерида чигит экиш жадаллик билан олиб бориляпти

Фарғона туманидаги Янги-Обод ҳудудида бу муҳим тадбир уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Айни кунга қадар 300 гектардан ортиқ майдонга чигит экилди. – 3 минг 749 гектар ерга чигит қадалади, – дейди пахта-тўқима-

чили кластери бош агрономи Хуршидбек Турсунбеков. – Бу ишга 4 та уялаб, 40 дан ортиқ плёнка остига чигит экиш техникалари жалб этилган. 2890 гектар ерда плёнка остида ҳосил етиштирилади. Сув етиб бориши қийин бўлган 470 гектар майдонда томчилатиб сугориш йўлга қўйилади.

Матн ва суратлар муаллифи Шерзод ҚОРАБОВЕВ.

## Фарғоналик ўқувчи “Ёш китобхон” танловида “Спарк” соҳиби бўлди

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган “Ёш китобхон” танловининг 10-14 ёш тоифаси бўйича финал босқичида Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 50-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муҳаммадфозил Исмоилов ғолиб бўлди.

Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш, уларнинг бадиий саводхонлигини янада ошириш ва мутлола муҳитини шакллантиришда мазкур танловнинг ўрни беқас. Шу боис унда иштирок этувчиларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. М. Исмоилов ҳам китобга меҳр қўйган ёшларимиздан бири. Онаси Мукамал опанинг фарзандларини китобга дўст бўлишида катта ўрни бор. Муҳаммадфозил исталган китоб ҳақида соатлаб гапирди. У 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб мазкур танловда иштирок этиб келади. 2019

йилда вилоятда 2-ўринни, 2020 йилда вилоятда 1-ўринни, республикада 7-ўринни эгаллаган. У мактаб ва туманда 5 та муҳим ташаббус бўйича ўтказилган танловларда фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиб келмоқда. “Ёш китобхон” танловининг республика босқичида 10-14 ёш тоифаси бўйича Муҳаммадфозил Исмоилов 378,9 балл билан мутлақ ғолибликни қўлга киритди ва Президент совғаси “Спарк” автомобили соҳиби бўлди. Ақаси ҳам мазкур танловда катталар бўйича вилоятда чемпион бўлиб, республика босқичига чиққан. М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА.



# МАРДИКОРЛИК – КАСБ...МИ?

Айтсам тилим, айтмасам...



## “Бу ишимдан уялмайман...”

Ҳар куни туманимиз марказида бир жойда тўп-тўп бўлиб турган кишиларга – халқ тили билан айтганда, “мардикор бозори”га кўзим тушади. Баъзиларини танисам ҳам, хижолат қилмаслик учунми, юзимни буриб ўтиб кетган пайтларим кўп бўлган...

Богдорчилиги томорқачилик ривож топган Олтиариқда турли юмушлар учун ана шундай мардикорлар жуда зарур. Туман марказидан Қизилтепа сихатгоҳига кетишда қишин-ёзин мардикор бозори “қайнайди”. – Ишизман, қўлимда бирор хунарим ҳам йўқ. Ҳар куни сахарда шу ерга келиб, иш тақлиф қилувчиларни кутамиз, – дейди асли бағдошлиқ Ақидохон Расулова. – Баъзан бир ҳафталик, гоҳида бир

ойлик ишлар ҳам чиқади. Келишувга қараб кунига 70-90 минг сўм атофида ишлаймиз. Доимий ишим бўлса, ҳаётимни изга тушириб олардим. Муҳтожликдан мардикорлик қиламан. Аммо бу ишимдан уялмайман. Аёллар орасида бозор иқтисодиёти шароитида шаклланган “янги касб”ларнинг малакали мутахассислари ҳам бор. Уларга зарур шарт-шароит, ишга хавфсиз ёлланмиш имконияти яратилса кифло. – Мева-сабзавотлар экспорти

билан шугулланамиз. Агар қадоқловчи аёллар бўлмаса, ишимиз тўхтаб қолади, – дейди олтиариқлик тадбиркор Файратжон Бозоров. – Масалан, гилос ёки узумни қадоқлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келарвермайди. Меваларни талаб даражасида қадоқлаш учун муайян таъриб зарур. Шунинг учун бу ишга ёлланган аёлларнинг иш ҳақи қимматроқ бўлади.

лари ва талабгорнинг хоҳиши асосида шакллантириш орқали замонавий меҳнат бозорига айлантириш. Олтиариқ туманида ташкил этилган кунлик иш маркази айнан шу мақсадларни амалга ошириши керак эди. Лекин... – Сиз айтган жойда – Қизилтепа сихатгоҳига кетаверишдаги йўл бўйида аввалдан шаклланган мардикор бозорида фаолият бошладик, – дейди Олтиариқ туман вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси директори Сардор Аҳмадалиев. – Бу ерда мавсумий иш изловчилар ва шундай ишчиларга муҳтожлар ўртасида кўприк вазифасини ўтай бошладик. Яъни, мардикорлар ўз хизматини тақлиф этади, талабгорлар эса ишни. Маълумотлар базаси яратиб, ўртада беминнат воситачиликни йўлга қўйдик. Аммо бугунги кунга келиб, ходимларимиз учун ажратилган, лекин бошқа одамга тегишли бўлган бино бузиб ташланди. Сардоржоннинг айтишича, бир неча бор туман ҳоқимлиғида, масъул идораларга муносабат қилинишига қарамай, муаммо ечим топмаган. Наҳотки, мардикор бозорида кунлик ёлланмиш ишчиларга қўлайлик яратишга бел боғлаган, замонавий услублар орқали мардикорга ҳам, талабгорга ҳам бепул ёрдам кўрсатаётган марказ фаолияти мутасаддилар учун муҳим бўлмаса!

## Бошқача ёндашув зарур

Иш излаётган фуқаролар бандлигини таъминлаш муҳим масала бўлиб, бунда асосий масъулият бандлик бўлими, моно-марказлар, касб-хунар ўқув курслари зиммасига тушиши табиий. Вилоятимиз шаҳар-туманларида ташкил этилган ўқув курслари, коворкинг ва моно-марказларга асосан ёшлар муносабат қилишлари ҳисобга олинса, ўрта ва

катта ёшдаги ишсизлар муаммоси ўзгача ёндашувни талаб қилади. – Учта фарзандим бор. Қўлимдан қурувчилик, сувқочилик келади. Бандлик бўлимига муносабат қилганман. Яқинда туманимиз марказида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасига бордим, – дейди мардикор йигитлардан бири Абдоржон Ҳайиталиев. – Бир фирма ходими билан гаплашдим. Тўғриси, ойлик маоши кам экан. Шунинг учун яна мардикор бозорига чиқиб, иш изляпман. Ҳозирги кунда рўзгор тебратиш учун ойига 1,5-2 миллион сўм топмаса бўлмайди.

– Вилоятимизда 175 мингдан зиёд ишсиз фуқаролар бор. Жорий йилнинг охирига уч ойида 17 мингдан ортиқ ана шундай фуқароларнинг бандлиги таъминланди, – дейди вилоят бандлик бош бошқармаси бўлим бошлиғи Хурсандбек Холиқов. – Мардикорлар, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида, Олтиариқ туманида кунлик иш марказлари ташкил этилган. Ҳозирча мақтанарли натижага эришилмаган бўлса-да, бу марказлар фаолиятдан умидимиз катта.

## Табибимнинг ўзи бемор...

2021 йил 15 март кунини Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашининг йиғилишида Сенат раиси Танзила Норбоева аёлларнинг мардикор бозорлари ҳақида сўз юритди: “Мардикорлик билан шугулланаётган аёлларимиз бор. Мардикорлик дейилади, лекин бу жуда хунук гап. Бир марталик иш дейлик. Мана шундай фаолиятга эҳтиёжи бор аёлларимиз мавжуд... Бу масалага

ҳудудлардаги опа-сингилларимизнинг алоҳида эътиборини қаратмоқчиман. Аёллар кўчада ўз ишчи кучини тақлиф қилиб туриши жуда хунук ҳолат. Бир марталик ишларни замонавий тартибда ташкил қилишимиз керак. Мавжуд кунлик ишчилар марказларининг ишлаб кетишини ҳам йўлга қўйиш зарур...” Мардикорлик қадимдан мавжуд бўлиб, бу ўзига хос меҳнат бозори ҳамма даврларда тартибсиз шаклланган. Аммо буни бир тизимга солиш ҳам мумкин. Мисол учун, мардикор бозорини иш изловчининг тўлиқ маълумот-

Қўёш ҳали ётоғидан бош кўтармай мардикор бозорида шовқин-сурон авжга чиқади. Эркага аёл мардикорлар қиш-қировли, ёмғир-қорли кун бўлишига қарамай, рўзгор тебратиш ташвишида, ҳалол пул топши илнжида бу ерга ошиқади. Қўлар йўл четига тўхтаган ҳар бир машина томон умид билан тикилади. Бориладиган манзил, бажариладиган иш ва ниҳоят, олинган ҳақнинг ҳали мавҳумлиги-ю, тун қоронғисига ҳақиқатан унинг кўтиб ўтирган қорақўзлар олдидаги хижолатпазлик эзади юракларни...

Ҳаётжон БОЙБОБОВЕВ.

# Yoshlar Sahifasi 4 son

### Hokim, vazir va yoshlar uchrashuvi

## Islahotlarning harakatlantiruvchi kuchi

Viloyat Tadbirkorlar uyida bo'lib o'tgan hokim, vazir va yoshlar uchrashuvi farg'onalik o'g'il-qizlarni o'ylantirayotgan masalalar yechimiga qaratildi. "Yoshlar – islahotlarning harakatlantiruvchi kuchi va faol ishtirokchisi" shiori ostidagi muloqot ochiq va samimiy ruhda o'tdi.



U nda viloyat hokimi Xayrullo Bozorov, Adliya vazirining o'rinbosari Muzrav Ikromov, Savdo-sanoat palatasi raisining birinchi o'rinbosari Farhod Toshpo'latov, Davlat test markazi rahbari Majid Karimov va O'zbekiston Yoshlar ittifoqi Markaziy kengashi raisi Akmal Jumaboyev ishtirok etishdi.

Tuman-shaharlardan kelgan yoshlar vakillari hududlarda, xususan, mahalla va ta'lim muassasalarida hal qilinmay kelinayotgan masalalar bilan mutasaddilarga yuzlanishdi. Ularning

tadbirkorlikka ko'maklashish, imtiyozli kredit olish, oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun imtiyozlar, joylarda kitobxonlik markazlarini tashkil etish, yosh oilalarni uy-joy bilan ta'minlash, shuningdek, fuqarolikni belgilash, tibbiyot turizmini keng targ'ib etishga sharoit yaratish kabi yo'nalishlarda taklif, loyiha va fikr-mulohazalari tinglandi.

Quvalik Sarvinov Saksonova tumanidagi ishsiz yoshlarning 12 foizdan ortig'ini oliy ma'lumotli mutaxassislar ekanligi, 600 nafardan ko'proq ishsiz yigit-qizni moliyaviy

qo'llab-quvvatlanishi bandlik bo'limi tomonidan e'tiborsiz qoldirilayotganini tanqid qildi. Muhammad Yusuf Erkaboyev — Yoshlar ittifoqi boshlang'ich tashkiloti sardori, u tizimda jamoatchilik asosida mehnat qilayotgan yoshlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha takliflarini bildirdi. Rishtonlik Ilhom To'raev hududdagi Cho'ng'ara anklav qishloq yoshlari uchun imtiyozlar joriy etilishini so'radi. Uchko'priq tumanlik yosh sportchi Ravshan Mamajonov 5-o'rtta ta'lim maktabida zamonaviy sport inshootini davlat-xususiy sheriklik asosida

bunyod etish istagida ekanligini aytdi. Marg'ilonlik Islomjon Yunusov ham yosh tadbirkor. U imtiyozli kredit olish uchun 1, 5 yildan beri sarson. Ular kabi 50 nafardan ziyod yoshlar muammolar yechimi uchun ko'mak so'radilar. — Savdo-sanoat palatasi tomonidan kasb-hunarga o'qitilib, sertifikat olgan 670 nafardan ortiq farg'onalik yoshlarning 48 nafari tumanimizda istiqomat qiladi, — deydi O'zbekiston Yoshlar ittifoqi So'x tumani Kengashi raisi Ravshan Komilov. — Ularga 3 yilga 6 oylik imtiyozli davr bilan 14

## Delegatlar Farg'onada jam bo'lishdi

Bundan roppa-rosa ikki yil muqaddam Prezidentimiz boshchiligidagi o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida yoshlarimizga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, yoshlarda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, yurtimiz yoshlari o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish kabi masalalar alohida ta'kidlangan edi. O'shanda davlatimiz rahbari yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha 5 muhim tashabbusni ilgari surgandi.

O'tgan vaqt davomida yoshlarimiz orasida keng quloch yo'nalishda tashabbuslar ma'naviy, jismoniy va aqliy barkamol yoshlarni kamolga yetkazish barobarida, ularni birlashtirish, o'zaro hamfikrlik rishtalarining mustahkamlanishiga xizmat qilayotir.

5 ta guruhga bo'linib, o'z yo'nalishlari bo'yicha taklif va loyihalarni ishlab chiqishdi. Quvasoy shahridagi so'lim Arif dam olish maskanida "Yoshlar oqshomi" ko'ngilochar kechasi, guruhlarga tayyorlangan loyihalarning taqdimoti o'tkazildi.

Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi tashabbusi bilan tashkil etilgan Respublika yoshlar konferensiyasi ana shu ezgu maqsadlarga qaratildi. Barcha viloyatlar va Qoraqalpog'iston Respublikasidan ishtirok etgan 150 nafardan ziyod yigit-qizlar viloyatimizda 5 muhim tashabbus ijrosi, yoshlar bilan ishlashning yangi tizimi bo'yicha Farg'ona tajribasi bilan tanishishdi.

Delegatlar kitobxonlik, biznesni loyihalashtirish, IT, sport va san'at singari

Bizning tashabbus



### Xorijdagi tengdoshim

Malakali axborot texnologiyalari mutaxassislarini tayyorlashga e'tibor qaratgan Latviya davlatida texnika yo'nalishidagi oliygohlarning o'zi o'ttizdan ortiq. Men tahsil olayotgan Riga davlat texnika universiteti ana shulardan biri.

## MAQSADIM — IT BILIMDONLARINING YANGI AVLODI BO'LIH

O'ta-onamning "Bola yoshligidan yaxshi tarbiya olgani, bu uning xulqi o'zgarib ketmasligiga kafolat bo'lmaydi. Voyaga yetgach, har bir odamni muhit boshqaradi", degan so'zlarini hamisha yodimda tutaman. AQSh, Norvegiya, Germaniya, Rossiya, Hindiston kabi o'nlab davlatlardan kelib, birga o'qiydigan do'stlarimning g'arbona hayotiga o'rganib qolmaslikka, sharqona madaniyat va fe'l-atvorini saqlab qolishga intilaman. Yotoqxonam devorlariga ona yurtimdan keltirilgan do'ppi, sopol idishlar, milliy kiyimlarni joylashtirganman. Kitob javonim esa o'zbek, rus va ingliz tilidagi ilmiy kitoblar,

Abdulla Qodiriy, O'tkir Hoshimov, Erkin Vohidov, Chingiz Aytmatovning durдона asarlari bilan to'lib turadi. Bir so'z bilan aytganda, Rigada o'zbekona yurak bilan o'qiyapman.

Vatanimizda IT sohasiga alohida e'tibor qaratilayotgani meni quvontiradi. Raqamli texnologiyalar davrida o'zbek yigit-qizlari orasidan ham global dasturlar, ijtimoiy tamoyilning eng xaridorig' ilovalarini yaratishga qodir bo'lgan avlod shakllanishi kerak. Maqsadim — IT bilimdonlarining yangi avlodi vakili bo'lish va sohadagi xalqaro yutuqlarni O'zbekistonga olib kirish.

Muhammadaziz ABDURAHMONOV, Riga davlat texnika universiteti 3-bosqich talabasi.

## BO'ZATOVGA KIMLAR BORADI?

"Bo'zatov iqtidorlarni kashf etadi!"

Ushbu so'zlar 2021 yilgi respublika "Yoshlar ovozi" festivalining barcha viloyatlardagi saralash bosqichlari ezgu shiori bo'lib jaranglamogda.



1 yun oyida Qoraqalpog'iston Respublikasining Bo'zatov tumanida bo'lib o'tadigan mazkur festivalda qatnashish kimlarga nasib etishi aynan shu bosqichlarda ma'lum bo'ladi. Farg'onada ham baxshichilik, an'anaviy ijro, estrada xonandaligi va opera yo'nalishida ijod qilayotgan bir guruh

yoshlar saralandi. 6 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan iqtidorlilar orasida Farg'ona ixtisoslashtirilgan maqom maktabi o'quvchisi Mubinabonu Po'latova, Marg'ilon shahar musiqali maqom teatri ijrochilari — Ulug'bek Elmurodzoda va Azizbek Abdurazimov, O'zbekiston davlat konservatoriyasi talabasi Muhammad Yusuf Abdugodirov, Farg'ona shahridagi 10-o'rtta ta'lim maktabi o'quvchisi Hojiakbar Olimov, 1-sonli bolalar musiqa va san'at maktabi o'qituvchisi Alisher Abdullayevning ijro va ovoz mahorati yuqori baholandi.

— Festival farg'onalik yosh san'at-sevarlarning iste'dod g'irralarini kashf etishi va munosib rag'batlantirishiga ishonamiz, — deydi O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti o'qituvchisi Saidmurod Topoldiyev. — Bugun iste'dodi e'tirof etilgan yoshlar etarga dunyo sahnalarida Farg'ona, O'zbekiston ovozi bo'lib, kuylasa. Festivalning muhim maqsadi ham — shu.



## KIUF — tadbirkorlikka ko'makdosh

Farg'ona shahridagi O'zbekiston-Koreya xalqaro universiteti qoshida talabalarni tadbirkorlikka o'rnatish, ularning biznes g'oyalari amalga oshirishga ko'maklashish maqsadida "Biznes akselektor" tashkil etildi. Endilikka mazkur markaz sohaga qiziquvchan talab-yoshlarga nazariy va amaliy ko'maklashadi. Bu haqda universitetning "Yoshlar tadbir-

korlik va sanoat jamg'armasi" taqdimot marosimida alohida ta'kidlandi. Shu kuni "Yoshlar — kelajagimiz" jamg'armasining viloyat filiali rahbari Abdunabi Sulaymonov va O'zbekiston-Koreya xalqaro universiteti rektori, janob Pak Jun Ho tomonidan hamkorlik bitimi imzolandi. Bu orqali KIUFning Farg'onada yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash borasidagi ko'magi yanada kengayadi.

## "DAFTAR" DAN MUQIM ISH O'RNIGA

Qo'qonda 18 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar 41 ming nafardan ortiq. Ular to'liq xatlovdan o'tkazilib, 4272 nafari "Yoshlar daftari"ga qayd etilgan. "Daftar"dagi yoshlarning 2667 nafari yoki 66,2 foizi elektron platformaga kiritilgan, xolos. Ayni vaqtda imkoniyati cheklangan, biroq mehnatga layoqatli yoshlar, migrantlar, jazoni ijro etish muassasasidan ozod etilganlar, harbiy xizmatdan qaytganlar, umuman, ishsizlik tashvishi bilan yurgan har qanday yosh elektron bazaga olinishining o'ziga xos afzalligi bor: platforma to'la elektronlashtirilgan. Bandlik markazi tomonidan ro'yxatga olinib, ish o'rniga ega bo'lmagan yoshlar ushbu platformaga kiritiladi, muqim ish o'rniga ega bo'lib, bandligi to'liq ta'minlanmaguncha elektron bazadan ham, "Yoshlar daftari"dan ham chiqarilmaydi.

H isobotlarga ko'ra, o'tgan ikki oy ichida jami 52 ta, asosan, tikuvchilik, qo'yichilik, quyonchilik yo'nalishidagi loyihalar uchun tegishli banklar tomonidan kredit mablag'lari to'la ajratilgan. Joriy yilning 2 mart kuniga qadar 207 nafar yoshlar Savdo-sanoat palatasi ko'magida o'qitilib, 70 nafariga imtiyozli kredit olish uchun sertifikat topshirilgan. — Joriy yil mobaynida to'rtta sektor kesimida "daftar"ga kiritilganlarning 122 nafari

tadbirkorlikni yo'lga qo'yishi uchun ko'maklashildi, 158 nafari kasb-hunarga o'qitildi, 75 nafar ishsiz yosh "Har bir tadbirkor — yoshlarga madadkor" tamoyili asosida tadbirkorlarga, 41 nafari esa "Ustoz-shogird" an'anasi doirasida usta-hunarmandlarga birlashtirildi, — deydi Yoshlar ishlari agentligi shahar bo'limi raisi Oybek Tojiyev. — Yil davomida "Yoshlar daftari"ga kiritilganlarning 1043 nafari doimiy ishga joylashtirish orqali bandligini ta'minlash ko'zda tutilgan bo'lsa, shu kungacha 180 nafar yoshlar muqim ish o'rniga ega bo'ldi.

Qolaversa, yosh tadbirkorlar tomonidan tashkil etilgan korxonalar va sexlarga, asosan, "Yoshlar daftari" kirgan yigit-qizlarni jalb etayapmiz. Yosh tadbirkor Muhriddin Tillaboyev "Yangi obod" MFYdagi qarovsiz qolgan yerni obod etib, yoshlar mehnat guzariga aylantirdi. Bu yerda yangi tikuvchilik sexi ochib, "Yoshlar daftari"dagi 30 nafar, jami 65 nafar yoshni yoniga oldi. Bolalar kiyim-kechaklarini tikishga ixtisoslashgan sex mahsulotlari, asosan, Rossiya va Qirg'iziston davlatlariga eksport qilinadi. Hozirda uning yangi binosi qad rostlab, Xitoy va Yaponiyadan keltirilgan uskunalar bilan jihozlanayapti. Bino foydalanishiga topshirilsa, 200 taga yaqin yangi ish o'ri yaratilishi ko'zda tutilgan. "Caddy" axborot texnologiyalari markazini tashkil etgan Rustamjon Dehqonov qo'qonlik yoshlar orasidan malakali IT bilimdonlari, yosh dasturchilarni kashf etish va tarbiyalash niyatida. London shahrida oliy ta'limni olgan yosh pedagog markaz negizida "Global English school" o'quv markazini ochdi. Bu yerda ingliz va rus tillari,

mental arifmetikani o'rganayotgan 500 nafarga yaqin o'quvchilarning 70 nafari kam ta'minlangan oila farzandi sifatida bepul o'qitilyapti. Xurshid Abdullayev, Aziz Tolibjonov aholiga oshxona va tikuvchilik yo'nalishlarida xizmat ko'rsatish maqsadida tadbirkorlikni boshladi. Ishsiz yoshlarga taklif etilayotgan bo'sh ish o'rinlari ularning qiziqish va xohishlariga mos kelmayotgan, maoshi kam, deya baholanib, rad etishi hollari uchray turibdi. Qayta o'qish taklifidan bosh tortayotganlari ham bor. Ravshan Kenjayev Qo'qon davlat pedagogika institutini tamomlagan. Ishsizligi sabab "Yoshlar daftari"ga kiritilgan edi. Yoshlar ishlari agentligi shahar bo'limi ko'magi bilan hududdagi neft va sanoat texnikumiga o'qituvchi bo'lib ishga joylashdi. Ammo yosh o'qituvchi mazkur ta'lim muassasasidagi ishi may oyigacha ham yetib bormasligidan havotirda. — O'quvchilar amaliyotga chiqqach, o'z-o'zidan nazariy fanlar uchun dars soati bo'lmaydi, men yana ishsiz, daromadsiz qolaman, — deydi u. O'rganishlar natijasida, "Silikat" MChJga Shohistaxon Tursunboyeva, "Qo'qon Mubina

textile" MChJga Islomjon O'rinov, "O'zbekim shohona tortlari" MChJga Sevinch Rahimova, "Imona Group" MChJga Rashid Azizov ishga kirganligi haqidagi ma'lumot noto'g'ri bo'lib chiqdi. Sh. Qobiljonov, O. Mamajonova, A. Akbarov, I. Qurbonov kabi yoshlarga "Mikrokreditbank" ATB tomonidan imtiyozli kredit mablag'lari ajratilmay kelinyapti. Shahardagi 2-, 4-sektor hududida hunarmandchilikka qiziqqan yoshlarni "usta-shogird" tamoyili asosida usta-hunarmandlarga birlashtirish chorasi ko'rilgan. To'g'ri, "Yoshlar daftari" tuzilgani, shuningdek, "daftar"ga kiritilganlar to'g'risidagi ma'lumotlarni "daftar.mehnat.uz" elektron platformasiga kiritib, shu asosda ish yuritilayotganiga ko'p vaqt bo'lmadi. Biroq tajriba, amaliyot vaqtining kamligi yoshlar bilan ishlash masalasiga mas'ul hech bir tashkilot yoki idorasi, xususan, Yoshlar ishlari agentligi, bandlik bo'limlari, sektorlar, barcha o'rtta bo'g'in rahbarlari, umuman, hech kim uchun bahona bo'la olmaydi. Fursat o'tib, g'alvir suvdan ko'tariladi. O'shanda "Yoshlar daftari"ning Qo'qondagi mas'ullari ham, avvalo, yoshlar oldida yuzi yorug' bo'lishi kerak!

G'alvir suvdan ko'tariladi



Сўнги йилларда халқимизнинг том маънода китобга қайтгани, китобхонлик аталмиш азалий қадрият яна одамларимизга йўлдош бўлаётганидан қувонсак арзийди. Китоб ўқилаётган, яхши асарлар дунё юзиди кўраётган, китобхон авлод камолга етаётган экан, жамият ва миллатнинг эртасидан хавотир олмасак ҳам бўлади.

## ЖАМИЯТНИНГ РУҲИ ВА ЖОНИ

**Б**ироқ маънавий-маърифий соҳани, адабиёт ва китобхонликни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳамisha ислохотга муҳтож аслида. Мен шоир сифатида халқнинг маънавий поклинигига хизмат қиладиган ижодкорлар ва уларнинг юксак савиядаги бадиий ижод намуналарини эътироф этиш ва рағбатлантириш энг тўғри йўл деб билман.

ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори моҳиятан ана шу улғувор мақсадлар рўйбўнини ҳуқуқий асоси бўлади. "Агар" фонди негизда ташкил этилган маъруза жамғарма юртимизда бадиий ижод ва китобхонлик маданиятини фаол қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши жуда қувонарли.

**К**ўнчилик деганда унинг гўшти-ю мўйнаси тушуналади. Бирок узунқулук жониворнинг биз билмайдиган жиҳатлари кўп. Масалан, кўн гўшти парҳезболлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис у инсон саломатлигига, айниқса, болалар ва кексалар учун ниҳоятда фойдали. Маълумотларга кўра, кўн қонидан тайёрланган зардобни тиббиёт йўналишида ишлатиш мумкин. Бир килограмм мия кўнунга эса жаҳон бозориди 30 минг долларгача баҳоланган экан. Шу билан бирга, унинг чиқиндисиди ҳам деҳқончиликда яхши самара беради. Бугунги кунда дунё миқёсиди кўнчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

– Кўнлар парвариши алоҳида эътибор талаб қилади, чунки улар жуда таъсирчан, ошқозониям нозик бўлади, – дейди агрофирма мутахассиси Еқубжон Ғозиев. – Жониворлар учун етарли ем-хашак, озука захирасини яратганмиш. Хозирча улар кўпайиш жараёнида. Кунига 1,5 тонна гўшт етиштириш режамиз бор.

## Тадбиркорлик

# “БИР КИЛО ГЎШТ 45 МИНГ СЎМ” дейди агрофирма раҳбари

28 нафар доимий иш ўрни яратилган корхона раҳбари озука базаси учун хозирча 13 гектар ер мавжудлиги, келгусиди уни кенгайтириш, кўнчилик кластерини йўлга қўйиш, парҳез гўшт маҳсулотини "хомидан пishанигача" халққа етказиб бериш учун Фарғона шаҳрида савдо нуқтаси очиб қаби мақсад-режалари ҳақида сўзлаб берди. Унинг айтишича, хозирнинг ўзида супермаркетлар томониди кунига 700-800 килограмм гўшта буюртма бор.

– Бу сардоромад соҳанинг сир-асрорларини ўргатишдан қочмайман, ёш тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрман, – дейди Нуриддин Иминов. – Кўнларни тирик ҳолда сотишни ҳам ўйлаганмиш. Йилига 400-500 тонна гўшт, 200 минг бош она кўн етказиб бера оламиз. Хозирча бир кило кўн гўштини 45 минг сўмдан сотаямиш, келажакда яна арзонлашадими.

ижобий ҳал қилиб берилган. Албатта, бундай эътибор тадбиркорга куч-ғайрат бағишлаш табиий. – Бу кўнлар йилига етти марта, 8-10 тадан болалади. 80 кунлигида 1,8-2 кг гўшт беради. Яқинда "Темир дафтар" рўйхатидаги оилаларга тарқатиб, зарур тавсиялар бердик. Мисол учун, 10 бош (8 та урғочи, 2 та нар) кўн олти ойлик озукаси билан 4 миллион сўм аτροφиди маблағ талаб қилади. Хонаки усулда қоқиқ-кўпайтириб ҳам ярим йилда учун сонини 70-75 тага етказиш мумкин. Бу эса 150-180 кг аτροφиди гўшт маҳсулотиди деган гап. Агар жониворлар сидқидилдан парвариси қилинса, 4-5 ойдан кейин бозордан гўшт харид қилишга эҳтиёж қолмайди, – дейди серғайрат тадбиркор.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ. Суратни Шерзод ҚОРАБОВЕВ олган.



## ҲАЁТИЙ МУҲИМ ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўта муҳим ва ҳаётий долзарб ҳужжат. Модомики, жамият тараққийоти учун ҳар қандай «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» шахдам бораётган экан, аввало, инсон омилига эътибор қаратиш зарур.

**М**ен узоқ йиллар маънавиятга дахлдор соҳаларда ишлаган фахрий ва ижодкор сифатида қарорни зўр қониқчи ва мамнуният билан ўқидим. Унинг мамлакат тараққийоти ва юксак маънавиятга, янги дунёқарашли фуқароларни камол топтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қарорнинг 1-банд 6-хатбосида «...маданият, адабиёт, кино, театр ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш» назарда тутилганлиги, айниқса, аҳамиятлидир. Кейинги даврда бозор иқтисодиёти, сўз эркинлиги ва бошқа вақлар билан адабиёт, санъатда мазмунан саёз, олди-қонди ёки энгил-елли асарлар кўпайиб кетганлиги сир эмас. Чунки яхши ижодкор ўз асарини «қўли калта»лиги, ҳомий тополмаганлиги сабаб нашр қилолмайдими. Аксинча, пули кўпчилиги учун ўртамеъна ижодкор ёмон «асарини истаган нусхада чоп этиб тарқатади». Бу кино, телевидение ва бошқа соҳаларга ҳам тааллуқли.

## “Ўзстандарт” агентлиги: МАҲСУЛОТИНГИЗНИНГ СЕРТИФИКАТИ БОРМИ?

“Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги департаментнинг Фарғона вилояти бўлими мутахассислари томонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва экспортёр корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

**Ш**у йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология қоидаларига риоя этилишига қўмақлашдан иборат. Маҳсулотни хорижга жўнатиш жараёнида экспорт қилинаётган давлатнинг маҳсулотни

тамғаланиши ва ёрликлашига бўлган талабларини ўрганиб, тадбиркорга тўлиқ тушунтиришга қаратилган.

Сўхбатжон НИЁЗОВ, “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги департаментнинг Фарғона вилояти бўлими бош мутахассиси.



## Ҳунармандчиликдан – тадбиркорликка

# НАФИС ГИЛАМЛАР САЙЁҲЛАР ЭЪТИБОРИДА

Риштон тумани “Оқ томир” МФИда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлаган Баҳромжон Ғофуров оила аъзолари, кўни-кўшнилари кўмағида каштачиликни йўлга қўйган, унда янги ғоя туғилди: миллий ҳунармандчилигимизни хорижликларга, сайёҳларга намойиш қилсак, тарғиб қилсак, қандоқ бўларкин?

гиламдўзлик корхонасини очиб ниятидагилар ҳам йўқ эмас. – Бу йил сайёҳлик йўналишида уй-меҳмонхона очиб тарадудидамиз, – дейди хонадон бекаси Ҳавохон Ғофурова. – Сайёҳларга гилам тўқилиши, “хом ашёдан – тайёр маҳсулотгача” бўлган жараёни тўлиқ намойиш этиш ниятидамиз. Сайёҳлар асосан, Австралия, Европа давлатларидан келишади.

**Ф**аолиятини шу мақсадга йўналтирган тадбиркор кўй жунини қайта ишлаб, кўлда гилам тўқилиши бошлади. Кўй жунидан гилам тайёрлаш унча оммалашмаган, сунъий ёки пахта толасига қараганда жундан тайёрланган, кўлда тўқилган маҳсулот ўзига хос афзалликларга эга бўлади. Шундай қилиб, Баҳромжон ўз хонадонига бир нечта ихчам дастгоҳлар ўрнатиб, мўъжаз гиламчалар

ишлаб чиқара бошлади. Навбатдаги масала ушбу жараёнга сайёҳларни жалб қилиш эди. У турли сайёҳлик фирмалари, мутасаддилар билан алоқа ўрнатди, Орадан ҳар қанча вақт ўтмай, қишлоққа хорижий сайёҳлар катнови бошланди. Бежирим гиламчалар, уларнинг яратилиш жараёни сайёҳлар қизиқишига, хайратига сабаб бўлди. – 2020 йилда “Зарина нафис гиламлари” ишлаб чиқариш кооперативи сифатида давлат рўйхатидан ўтдик, – дейди

тадбиркор. – Фаолиятимизни кенгайтириш учун 89 миллион сўм субсидия ажратиб беришди. Натияжада 40 та иш ўрни яратдик. Уларнинг яқин доимий иши, яқини касаначи. Ойлик маошларини вақтида олишяпти. Қишлоқдаги ишсиз аёлларни тўплаб, уларга жун йиғириш, калава бўйлаб, гилам тўқишга ўргатиш ҳам осон кечмади. Бугунги кунда бу юмушларга қўли келиб қолган хотин-қизлар ўзлари тўқиб битирган гиламлари билан фахрланишади. Келгусида ўз

ишларини кенгайтириш учун 89 миллион сўм субсидия ажратиб беришди. Натияжада 40 та иш ўрни яратдик. Уларнинг яқин доимий иши, яқини касаначи. Ойлик маошларини вақтида олишяпти. Қишлоқдаги ишсиз аёлларни тўплаб, уларга жун йиғириш, калава бўйлаб, гилам тўқишга ўргатиш ҳам осон кечмади. Бугунги кунда бу юмушларга қўли келиб қолган хотин-қизлар ўзлари тўқиб битирган гиламлари билан фахрланишади. Келгусида ўз

кўмақлашиш, бошқаларга ҳалал бермаслик сингари кўрсатмалар зикр қилинган. – Йўлларда ҳаракатланганда, айниқса, транспорт воситасини бошқариш пайтида бошқаларга ҳурматли бўлиш муҳим, – дейди кўп йиллар ҳайдовчилик қилган Мухаммадхон Усмонов. – Баъзи ҳайдовчилар нотўғри ҳаракат қилиб, қолганларни ҳам хато қилишга мажбурлашади. Бундан ташқари, машинадан турли буюм, идишларни улоқтириш, ўринсиз сигнал чалиш нафақат одобсизлик, балки қондабузарлик, қонунларни меъсимаслик саналади. Йўл – ҳамминики. Лекин ҳар бир шахс транспорт воситасида кўнча қидимди, йўл ҳаракати қатнашчисига айланади, энди у қоидаларга бўйсунуши, жамиятда жорий қилинган талабларни бажариши шарт. Ана шу масъулият юқини барча бирдек ҳис қилиши зарур!

Ҳ. АБДУЖАБОРОВ. Очик тендер танлови 2021 йил 6 май кунини соат 10:00 да ўтказилади. Тендер танлови қўйилаган йўналишлар

**ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИМИСIZ...**  
Қува тумани ҳокимининг 2021 йил 30 январь кунги 59-сонли қарори билан тумanning “Навоий Иқбол” ММТП ҳудудидидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 393-к, 394-395 контурлардаги жами 14,9 гектар ер майдони, шундан 13,47 гектар экин ери, 0,72 гектар сув ости ерлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонларини ажратиб

(реализация қилиш) масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси томонидан боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун танлов ўтказилиши

Қувасой шаҳар, Қалача қишлоғи, Қадрият кўчаси, 95-уйда жойлашган “Lizing avto” масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона давлат университети академик лицейи (собик Фарғона давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейи)ни 2008 йилда тамомлаган Янгибоев Сардорбек Холдоралиевич номига берилган L 047996 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли



Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотларида

Реклама ўрнида

# Ватан хизматига шай

Президентимизнинг ёшларга доир бешта муҳим ташаббуси, Ўзбекистон ёшлар форуми ва Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, фидойилик, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.



Кўлами кенг вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Риштон туман ўқув спорт-техника клуби муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

"Ватанпарварлик ойлиги" доирасида маҳалладаги уюшмаган ёшлар ўртасида қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

"Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида спорт-техникалар кўргазмаси, "Бешкапа" МФИ да волейбол тури бўйича "Ватанпарвар кубоги" мусобақаси туман ёшларини бир максат сари бирлаштирди. "Йўл қондаси" — умр фойдаси" шiori остида ўтказиб келинаётган ҳаракат хавфсизлиги тадбирлари йўлов ҳодисалари билан боғлиқ кўнгилсизликлар олдини олиб, ёшлар ўртасида ҳаракат қоидаларини тарғиб этмоқда.

Корхона ва ташкилотлар, маҳалла фаоллари иштирокида "Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам" юриш марафони ва эрталабки бадантарбия машқлари соғлом турмушни тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш имкониятини бераяпти.

"Қим Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!", "Янгиланаётган Ўзбекистон", "Спорт-менинг ҳаётимда", "Биз ватанпарвар ёшлармиз", "Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати", "Аёл борки, олам мунаввар", "Қадриятлар бешигисан, Наврўз" мавзусида ўтказилган кеча ва учрашув, спорт-техника кўргазмалари ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилиб, ўғил-қизлар қалбида ватанпарварлик, бунёдкорлик туйғуларини шакллантирмоқда.

— Жамоамиз кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислар билан ҳайдовчилар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб килмоқда, — дейди ўқув спорт-техника клуби бошлиғи Набижон Амиров.

— Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу кунга қадар "В", "ВС", "Д" ҳамда "Е" тоифалари бўйича 324 нафар ҳайдовчи тайёрланди. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишида 30 соатлик ўқув курслари ташкил этилди. Клубимизда спорт-техника турларини ривожлантиришга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Ҳаво милтиғидан ўқ отиш, мотокросс, катинг ҳамда ёзги биатлон каби спорт секцияларимизда 100 нафардан ортиқ ёшлар шуғулланиб келади. Улар нуфузли мусобақаларнинг бир неча бор совриндорлари бўлишди. "Темир дафтар" ва "Ёшлар дафтари"га кирганларни қайта касб-хунарга ўқитиш ишлари ҳам эътибор қаратганимиз.

Ўқув спорт-техника клуби моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур ўқув қўлланмалар, техник жиҳозлар билан таъминлаш ишлари алоҳида эътибор берилган. Бу назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш, янги иш тажрибаларини омаллаштиришда қўл келмоқда.

Яқинда ЎСТК ташаббуси билан ўқувчи-ёшлар ўртасида ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Қизиқарли ва муросасиз беллашуларга бой бўлган бахсларда умумжамоа ҳисобида Бағдо, Риштон ва Бувайда туманлари ўқув спорт-техника клуби ёшлари ғолиб бўлишди.

Соғлом, мустақил дунёқарашга эга ёшларни тарбиялаш мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг асосий вазифаларидан. Бу ишларда Риштон туман ўқув спорт-техника клуби жамоаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Расулжон КАМОЛОВ,  
Шерзод ҚОРАБОЕВ.

## Касаба уюшмаси ташаббуси билан ТОШКЕНТГА САЁХАТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси юртимизнинг қадимий шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хивага ташкил этаётган саёхат Президентимизнинг ички ва зиёрат туризмни ривожлантиришга қаратилган қарорига хайрли жавоб бўлмоқда.

Шу ойнинг бошида 40 нафар фарғоналик аёл – турли касб эгаларидан иборат сайёҳлар гуруҳи Тошкент сафарига

бўлди. Уларни пойтахт темир йўли вокзалида кутиб турган замонавий автобус федерациянинг "Саёхат сари" меҳмонхонасига элиб қўйди. Фарғона вилоят уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси масъул ходими Ҳикоятхон Фафурова раҳбар бўлган фарғоналик сайёҳларни меҳмонлар илтифот билан кутиб олишгани тўғрисида ҳам Марғилон станциясидан пойтахтгача беш соатлик йўл чарчоғи бирдан унутилди.

Сайёҳлар Ўрта Осиёдаги ноёб обидалардан бири – "Зангиота", зиёратгоҳида бўлиб, табаруқ зотнинг макбарасини зиёрат қилишди. Ундан аввал Аҳмад Яссавийнинг мурди, сўфий шоир Сулаймон Ҳаким Боқиронийнинг шоғирини бўлиб Ойхўжа ибн Тошхўжа (Занги отанинг асл исми) ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб олдилар. Бу буюк зотнинг Занги ота, деб аталиши эса унинг занжи, яъни қора танли бўлганлигига ишора.

"Зангиота"дан сайёҳлар Тошкентдаги 12,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳалаба боғига йўл олдилар. Ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонликлари абадийлаштирилган бу мемориал мажмуа фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига атаб барпо этилган. Мажмуа зиёратчиларга ўша машъум уруш йиллари даҳшатларини эслатади. Урушда беш ўғил ҳалок бўлган Зулфия Зокирова, унинг фронтда ҳалок бўлган мард фарзандлари ва бева қолган тўрт на-

фар келини хотирасига ўрнатилган "Матонат маҳияси", деб номланган ёдгорликдан эса кўзлар намланади. Ҳалаба боғи – урушнинг оғир оқибатларини эслатувчи, тинчлик-осойишталикнинг қадрини нечук баланд эканлигини намойён этувчи мажмуа. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини тарбиялашга қодир муқаддас даргоҳ.

— Менда Ҳалаба боғи айниқса катта таассурот қолдирди, — дейди Фарғона "Иссиқлик электр маркази" лабораторияси техниги Алина Қодирова. — Лойиҳа муаллифларига эса тан бермасликнинг илоҳи йўқ. Боғнинг олтита мавзунини зонаси урушнинг ҳар бир босқичи ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Биз, ёшлар, уруш ҳақида кино, телевидение ва китоб орқали биламиз, ҳолос. Бу боғни зиёрат қилиб, ҳалқимизнинг урушдан қанчалар азоб чекканини, бошидан биз тушда кўрмаган қийинчиликларни ўтказганини англадик.

Сайёҳлар орасида шаҳар-қизилқоғонимиз ободлигини деб, кеча-ю кундуз меҳнат қиладиган ободонлаштириш бошқармаси ишчи аёллари ҳам борлигидан қувондик. Улардан бири тошқоқлик Назоқат Сайдаматова касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан миннатдор эканлигини билдириб, дейди:

— Тошкентга биринчи келишим. Биласиз, иш, оила, уй юмушлари... Мен пойтахтга боришни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Оиладагиларга даб-дурустдан: "Мен шерикларим билан Тошкентга кетяпман", дея олмаслигим, табиий. Сафарнинг тўлиқ бепуллиги ҳам биз, аёлларни қувонтирди. Тошкент чиройли биноларга бой, замона-



вий, гўзал шаҳар экан. Мени пойтахтимиз айниқса боғлари, даракзорлари билан мафтун қилди.

Ҳалаба боғидан кейин автобус Муқимий номи мусикали комедия театрига йўл олди. Бу ерда сайёҳлар драматург Шукрулло Маҳкамовнинг "Ақлдан озиш ҳеч гапмас" асарини режиссёр Баҳодир Назаров сахналаштирган комедияни мириқиб томоша қилдилар.

— Мен ҳам Тошкентда биринчи марта бўлишим, — дейди Данғара туман маданият бўлими фарроши Пўлатхон Ҳасанова. — Таассуротлар – бир олам. "Зангиота" зиёратгоҳи, Ҳалаба боғи, умуман, Тошкент жуда-жуда ёқди. Бизга Қўқон яқин бўлса ҳам, умримиз бина бўлиб шаҳардаги мусикали драма театрида бўлмаганман. Пойтахтда эса Муқимий номи театр спектаклини томоша қилишга муяссар бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, саёхатни уюштирган касаба уюшмаларига чўқур миннатдорчилик билдираман.

...Жума кuni бошланган саёхат яқинида кuni яқун топди. Шу қисқа вақт ичида фарғоналик аёллар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишди. Сафар уларда туризмга иштиёқни уйғотган бўлса, ажаб эмас.

Тамара  
ТОШМАТОВА.

## ТАШАББУС – МАҲАЛЛАДОШЛАРДАН ЧИҚДИ

Данғара туманининг "Пишқарон" МФИ учун замонавий бино фойдаланишга топирилди.

Маҳалла тадбиркорлари ҳомиёлигида қуриб битказилган бинода "Аёллар маслаҳат маркази", кутубхона, фитнес клуб

жойлашган. — Худуддаги 840 та оилада 3701 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Пишқарон" МФИ раиси Манзура Солиева. — Маҳалла аҳоли тадбиркорлик, хунармандчилик ва қандолатчилик билан шуғулланади. Маҳаллада томорқадан самарали фойдаланиш борасида ҳам яхши тажриба тўпланган. Шу йилнинг ўзида хонадонларда 25 та замонавий иссиқхона ташкил этилиб, айни кунларда анчик қалампир, помидор, бодиринг ички бозорга етказиб берилмоқда.

Б. МАДИЁРОВ.

Суратни Ш. ҚОРАБОЕВ олган.

### Қатра

## ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ...

"Ҳурматли автобус ҳайдовчилари, мактабга борувчи болаларимиз қўл кўтарса, тўхтаглар! (пулини беради.)"

(Автостанциядаги ёзувдан).

Бекатда турган 7–8 ёшлардаги қизалоқ автобусга қўл кўтарди. — Узинг ёлғизман, қизим, қаерга боришингни биласанми? — сўради ҳайдовчи.

— Холанмикига келганим, қайтпман, уйимизни биламан, — деди қизча.


Автобус йўлида давом этди. Кейинги бекатларда бирин-кетин йўловчилар тушиб қолишди. Автобусда қизчанинг ўзи қолди ва ҳайдовчига: — Амаки, мен охириги қишлоққача

бораман, — деди. Ҳайдовчи ўйланди: "Хали анча юриш керак экан. Бошқа машинага ўтказиб юборсаммикан? Йў-эй, қизнинг яқинлари ҳам хавотирланиб ўтиришгандир. Олиб бориб қўя қолай".

Қизалоқ манзилига етгунча, бошқа йўловчилар учрамади. Ҳайдовчи машинани тўхтади ва сўради: — Уйингни аниқ биласанми? Қизча "ха", ишорасини қилгач, "Тушақол бўлмаса", деди.

Чўнтақларини титқилаб турган қизча хижолат бўлиб, деди: — Амаки, пулларим тушиб қолибди. — Майли, қизим, ишқилиб, уйингга аниқ етиб келдингми? — Ҳа, раҳмат! — деганча тўғридаги дарвозага қараб чопқиллаб кетди. Ҳайдовчи келган йўлидан қайтаркан, қўл телефони жиринглади. Пойтахтдан талаба қизи кўнгироқ қилаётган экан. — Ва алайкум ассалом, ҳа, қизим? Яхши юрбсанми? — Дадажон, бугун институтимизда ўтказилган танловда қатнашиб, ғолиб бўлдим. Мукофот беришди. Дуо қилиб қўйинг, дадажон. Хайр, соғ бўлинг! Яхшилик учун берилган мукофот ҳайдовчинини уйга толдирди. Баъзида йўл четига қўл кўтариб турган мактаб ўқувчиларига эътиборсиз ўтиб кетганидан энди уяла бошлади...

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.



МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalari tahririyati»  
MChJ

Бош муҳаррир:  
Муҳаммаджон ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб  
босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан  
олинди» деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди.  
2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида  
12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва  
суратлар қайтарилмайди.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмахонасида таҳририятнинг оригинал  
макетини асосида офсет усулида чоп этилди.  
Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон  
кўчаси, 236-«б» уй.

Босишга топишириш  
вақти: 19.00.  
Топириш вақти: 19.00.

Буюртма: 233  
Индекс: 7521  
Адади: 9 606

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри,  
Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.  
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи Алишер Розиков.



Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир Ботир Мадиев.

Газета сифати учун босмахона масъул.